

Ассаламу алайкум, Шайх хазратлари. Баъзи биродарлар билан Мавароуннахрнинг фатх килиниши масаласида бироз "тортишиб" колдик. Улар юртимизга араблар боскинчилик йўли билан келишган, аникроги "бостириб келишган" дейишяпти. Айтишларича бу тарихий факт экан. Мен бу гапларни хазм кила олмаяпман. Шу масалани ёритиб берсангиз, илтимос.

### **Жавоб (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф):**

- Бу Ислом душманларининг гапи. Душманлар Исломдаги фатх харакатини боскинчилик харакати, бошка юртларни босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, халкларни кул килиш, дея бахолайдилар. Ўлкамизнинг хакикий боскинчилари бўлмиш кофирлар бу харакатни «Араб истилоси» деб номлаганлар. Уларнинг айтишича, араблар бостириб келиб хаммаёкни ўзлариники килиб олганлар. Кишиларни мажбуран Исломга киритганлар. Исломни кабул килмаганларни ўлдирганлар ёки катта солик солганлар. Исломий фатхларни «Араб истилоси» дейиш нотўгри эканлигини душманларнинг ўзлари хам билади, аммо Исломга карши нимадир ўйлаб чикариш керак бўлган. Натижада, шу ибора ўйлаб топилган. Чунки фотихлар ичида араб эмаслар хам кўп эди. Шу билан бирга, уларнинг харакати хеч қачон истило бўлмаган. Мусулмонлар қаерга борсалар, динга даъват килиш учун, адолат ўрнатиш учун борганлар. Ўша ерларнинг ахолиси билан ака-ука бўлиб яшаб колганлар.

Мусулмонлар хеч бир юртнинг молу мулкини талаб олиб кетмаган. Кишиларни Исломга киришга мажбур хам этмаган. Уларнинг муомаласи мустамлакачиларнинг номаъкул муомаласига мутлако ўхшаган эмас. Буни инсофли ажнабий тарихчилар ва олимлар хам такрор-такрор кайд этганлар. Машхур олим Томас Орланднинг «Исломга даъват» китобида бу хакикатни тасдиқлайдиган кўпгина хужжатли далиллар келтирилади. Яхшиси, бу масалани саҳобаларнинг ўзидан сўраш керак. Тарихда шундай бўлган хам. Саҳобаи киромлар Саъд ибн Абу Ваккос розияллоху анху бошчиликларида ўша даврдаги иккита катта империянинг бири Форс давлати чегарасига келиб тушдилар. Бундан хабар топган Форс давлати Рустам исмли лашкарбоши рахбарлигида тайёргарлигини кўриб кўйган эди. Рустам мусулмонлар томон ўз элчиларини юборди. Форс элчилари мусулмонларнинг бошлигини тополмай анча вақт овора бўлишди. Чунки Саъд ибн Абу Ваккос розияллоху анхунинг алохида ажратилган жойи хам, кийими хам йўқ эди. У киши лашкарлари билан аралашиб юрар эдилар. Элчилар у кишини одамлар орасидан топдилар. Ўзларини таништирган элчилар Форс давлати рахбарлари мусулмонлар вакили билан гаплашмокчи эканлигини билдиришди. Саъд ибн Абу Ваккос оркаларига шундай караган эдилар, ерда ёнбошлаб ётган, юпун кийинган Рибъий исмли саҳобага кўзлари тушди. Унга:

«Сен булар билан боргин, бошликлари бизнинг вакилимиз билан гаплашмокчи экан», дедилар.

Рибъий розияллоху анху бир чапдаст харакат билан найзасига таяниб от устига сакраб минди ва элчиларга караб:

«Кетдик», деди.

Элчилар лол бўлиб туриб колдилар. Бир жулдурвоки кийинган «вакил»га, бир ерда

Ўтирган «амир»га карашди. Ўзаро бир нималарни гаплашдилар-да, ниҳоят, катталари Саъд ибн Абу Ваккос розияллоху анхуга:

«Бундан кўра тузукрок одам йўкми?» деди.

Саъд ибн Абу Ваккос розияллоху анху:

«Ичимизда тузугимиз шу, вакил юборишни сизлар сўрадингиз, биз эмас», дедилар.

Ноилож колган элчилар ўша вакилни олиб, йўлга тушдилар. Кароргоҳга яқинлашишлари билан элчилар отдан тушиб, таъзим килиб юра бошладилар. Мусулмонларнинг вакили Рибъий розияллоху анху эса, уларнинг бу кулгули холларини томоша килиб, отдан тушмай кулиб ичкарига кирди. Аммо коровуллар бирдан ёпирилиб, уни от устидан тортиб олишди ва улуглари олдига от миниб бориб бўлмаслигини англатишди. Аммо у киши бошини магрур тутиб, найзасини ерга кадаб-кадаб кета бошлади. У хар сафар найзасини ерга урганида, ерга тўшалган бир йўлбарс терисини тешар эди. Рибъий розияллоху анху тўгри бориб, тахтда ўтирган бошликнинг ёнидан жой олди. Аммо хизматкорлар дархол у кишини пастга ўтиришга мажбур этишди. Шунда Рибъий розияллоху анху:

«Бизга сизлар хакингизда, адолатли подшоҳларингиз хакида хабарлар борар эди.

Хаммаси беҳуда экан. Агар ўзингизга ўхшаш бир одамга шунчалар таъзим киладиган бўлсангиз, бизга ҳеч ҳам тенг кела олмайсизлар», деди.

Форсларнинг каттаси таржимонга:

«Ундан сўра-чи, нима учун келишди экан?» деди.

Рибъий розияллоху анху бу савол жавобига асрлар бўйи койда бўлиб колган жумлани айтди:

«Аллоҳ таоло бизни бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, динларнинг жабридан Исломининг адлига, бу дунё торлигидан у дунё кенглигига чиқариш учун юборди», деди.

Ҳа, мусулмон фотихлар бошқа юртларга фойдаларини кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг амрини бажариш учун борганлар. Улар дунёдаги инсонлар куллиқнинг турли кўринишларидан озод бўлиши учун курашганлар. Ер юзида фақат Аллоҳнинг ҳукми барқарор бўлишини истаганлар. Улар ер юзидаги бирон кимсага жабр ва зулмни раво кўрмаганлар. Хар ким хоҳлаган динини танлаб, Ислом адолатидан фойдалансин, деб ҳаракат қилганлар. Улар қайси юрт тупроғига кадам қўйсалар, олдин ерли аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Чунки уларнинг вазифаси кишиларга Аллоҳнинг дини Исломни етказиш бўлган. Улар ҳақ динга тарғиб қила туриб, мусулмон бўл–саломат бўласан ёки динингизда колмокчи бўлсанг, жия бер; унга ҳам, бунга ҳам қўнмасанг, орамизда уруш бўлади, дейишган.

Мусулмон фотихлар: «Биз тажовузкор уруш қилмаймиз, бировни динимизга қиришга мажбур ҳам этмаймиз. Биз фақат бошқаларни Исломга даъват қиламиз, ким хоҳласа, мўмин бўлсин, хоҳламаса, кофирлигича колсин. Ўзининг иши. Фақат бизнинг йўлимизни тўсмасин, бошқаларни даъват қилишимизга халакит бермасин. Исломга кирмокчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсмасин. Бизнинг фикримизча, инсон фақат мусулмон бўлгандагина ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Бу ҳақиқатни одамларга етказиш бизга топширилган. Топширикни адо этишимизга тўсик бўлма! Ким бетараф бўлса, марҳамат, четда тинч-омон тураверсин. Лекин ким бизга қарши чикса, даъватга йўл бермаса, бошқаларнинг Исломни ўрганишига тўсик бўлса, у билан урушишдан бошқа илож қолмайди», дейдилар.

Мусулмонларга уруш қилганларга қарши уруш қилинади, холос. Уруш пайтида Исломи

қоида бўйича қари кишилар, ёш болалар, аёллар ва ибодатхоналарга тегиш мумкин эмас. Шунингдек, қурол кўтариб чиқмаганлар ҳам тинч қоладилар. Агар Аллох нусрат бериб мусулмонлар қолиб қелсалар, душманни қуролсизлантириб, уларнинг Исломи соясида тинч-омон яшашлари жорий қилинади. Урушмасдан дастлабки даъватдаёқ ўз динида қолиб, жия беришни ихтиёр этганлар ҳам мусулмонлар билан бирга тинч-омон яшайверадилар.

Жия одамларни қийнаш учун жорий қилинган солиқ эмас. У хар бир бошга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда қолинадиган тўловдир.

Биринчидан, жия Аллохнинг динига даъват қилишнинг йўлини тўсмаслик, қарши турмаслик аломати сифатида берилади.

Иккинчидан, жия берган шахсни мусулмонлар ички ва ташқи душманлардан химоя қиладилар. Унинг ўзи, қолу қолқи ва қола аъзоларининг химоясини ўз қиммаларига қоладилар. Жия тўлаган қиши харбий хизматдан ва бошқа сафарбарликлардан оқод қилинади.

Учинчидан, жия тўлаган қиши мусулмонлар тақдим этадиган омавий-ижтимоий таъминотлардан қойда қолади. Улар қурган қўприқ, йўл, бозор ва бошқа нарсалардан қойдаланади. Қариганда, қексалиқ нафақаси қолади.

Тўртинчидан, жия олгандан сўнг мусулмонлар юқорида зикр этилган ишларни бақара олмасалар, жияни қайтариб эқасига топширадилар.

Умуман, жия масаласига тузукрок назар қолинса, уни хар қим ўзи учун бериши аён бўлади. Худди шу маънода мусулмонлар ҳам закот-ушур ва бошқа йўллар билан ўз қиссаларини қўшадилар.

Исломидаги жиянинг ақолатини янада яқши тушуниш учун уни танқид қилиб, ақолатсиз деганлардан бирининг муомаласига назар қолайлик.

Қоммунистлар ўз қойдаларини қўзлаб, қишиларни алдаш учун баъзи диний ташқилотлар тузган эдилар. Бу ташқилотларда фақат улар ихтиёр қилган қишилар ишлашига қарамасдан, ўша ташқилотларга ҳам, уларда ишловчиларга ҳам қисли қўрилмаган оқир солиқлар қолинар эди. Баъзи бир маиший хизматлар учун диний ташқилот ва қодимлар томонидан тўланадиган ҳақ ҳам бошқалар тўлайдиган тўловлардан ортиқча эди. Бунинг устига, улар диний ишда ишлаган ватандошларга хар қандай нафақа беришдан, жумладан қарилиқ нафақаси беришдан мутолқо бош тортар эдилар.

Хулоса қилиб айтилганда, Худога ишонган одам қоммунистларга ҳақ тўлаб ишониши қерак эди. Шу қолларига уларнинг бошқаларни танқид қилишларига ҳайронсан.